

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 7 май, № 88 (6018) Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 6 май
№ ЎРҚ–370

* "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 май куни Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси ўз ишини бошлади.*

## ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан АҚШ давлат департаменти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий тадқиқот муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов ва бошқалар бугунги кунда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари мамлакатларимиз ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида изчил тараққий этаётганини таъкидлади. Икки давлат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик ҳам кенгайиб бораётир. Бунда 2010 йили имзоланган илмий-техникавий ҳамкорликка оид ҳукуматлараро битим муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Қўшма комиссия икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳужжатни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Ушбу мажлис икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Қўшма комиссия доирасида қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги биотехнологиялари ҳамда соғликни сақлаш йўналишлари бўйича Ўзбекистон ва АҚШ олимлари иштирокида ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Қўшма комиссия мажлисида мазкур ишчи гуруҳларнинг тадбирлари бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



## СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА — КЎРКАМ ЛИБОСЛАР

*Мустақиллик йилларида фарзандларимизнинг ўз қобилияти ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, таълим тизимини ривожлантириш жараёнида унинг узвий қисми сифатида спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни бугунги кун талабларига мос ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш, шунингдек, ана шу иншоотлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти.*

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. 2003 — 2013 йилларда мамлакатимиз бўйича 1816 та спорт объекти ишга туширилгани, улар зарур жиҳозлар ҳамда малакали мураббийлар билан таъминланаётгани эзгу саъй-ҳаракатларнинг кўлами нечоғли кенг эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Ушбу жараёнда, айтиш жоизки, қизларни спортга жалб этиш ва уларни доимий рағбатлантириб бориш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётир. Тўқимачилик корхоналаримизда қизлар учун миллий анъаналаримизга мос, қулай ва бежирим спорт кийимлари ишлаб чиқарилиб, бир қисми ҳар йили Президентимиз номидан уларга совға сифатида тақдим қилинаётгани фикримиз тасдиғидир. "Соғлом бола йили" деб номланган жорий йилда ушбу анъана давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан айтишларича, бу гал республикамиз бўйича жами 111 минг нафардан ортиқ қизга спорт либослари совға сифатида топширилади. Шу муносабат билан айни кунларда жойларда тантанали тадбирлар ўтказилаяпти.

**ТОШКЕНТ шаҳри**

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият бошлаганидан буён Тошкент шаҳрида 82 та спорт иншооти, 25 та мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга 73,1 миллиард сўм сарфланди. Шунингдек, спорт мажмуалари зарур жиҳозлар ва инвентарлар билан таъминланди. Булар ҳудудда спортни оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*6 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар янги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

"Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган "2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолар тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасининг асосий ғояси қимматли қоғозлар бозорининг молиявий бозордаги ва умуман, иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қонун лойиҳасида замонавий ахборот технологияларига ўтиш орқали мамлакатимиз фонд бозорини модернизация қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишда илғор жаҳон тажрибасини жорий этиш назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Халқларимиз фашизмга қарши елкама-елка қаҳрамонона жанг қилган ва беҳисоб қурбонликлар эвазига ўзларининг ҳаётини, эркинлигини ва муносиб келажагини ҳимоя қилган. Биз миллионлаб қурбонлар хотирасига таъзим қиламиз ва мислсиз жанглардан омон чиқиб, бизни тинчликни асраб-авайлашга, қадрига етишга даъват этган ота-боболаримизнинг жасоратига ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатамиз.

Буюк Ғалаба ёди бугун ҳам мамлакатларимиз халқларини бирлаштирмоқда. Биз бу йил 10 йиллигини нишонлайдиган Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бунинг ёрқин тасдиғидир. Ишончим комилки, Россия ва Ўзбекистон алоқаларининг янада мустаҳкамланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистонда яшаётган Улуғ Ватан уруши фахрийларига миннатдорлигим ва энг самимий табрикларимни, бутун Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук инсонлар сифатида камолга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

## Баркамол авлод тарбиясида маҳалла институтининг ўрни

Узоққа бормайлик. Истиқлол йилларида нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқларимизда қанчадан-қанча замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар ҳамда муҳташам спорт мажмуалари барпо этилмади, дейсиз. Болалар спорти йўналишини оладиган бўлсак, биргина 2013 йилда 113 та болалар спорти объекти ва сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, улар зарур ускуна ҳамда инвентарлар билан жиҳозланди. Муҳими, шу саъй-ҳаракатлар боис спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларимиз сони янада ошди. Бундай ғамхўрликка жавобан фарзандларимиз халқаро фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида зафар қучиб, барчамизни мамнун этмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, умуман, катта спорт учун муносиб ўринбосарлар етказиб беришда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, десак, айни ҳақиқатдир. Жумладан, Фонд ҳисобидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида маҳаллаларда 372 та болалар майдончаси барпо этилди, 902 таси таъмирланди, 1 минг 203 та майдончада ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни спортнинг футбол ва кураш турларига кенг жалб қилиш маҳаллалар фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, 2013 йилда 2 миллион нафардан зиёд ёшлар иштирокида ташкил этилган анъанавий "Футболимиз келажаги" ҳамда "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаларига Фонд ҳисобидан 423,5 миллион сўм йўналтирилди.

(Давоми 3-бетда).

# Иқтисодиётимизнинг жадал тараққиёти

### кўп жиҳатдан саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликка боғлиқ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш ҳамда Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари мажмуаларининг тармоқ саноат ярмаркалари ўз ишини бошлади.

Ушбу тадбир жорий йилнинг 28 октябрь — 1 ноябрь кунлари ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Тармоқ саноат ярмаркаларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот" компаниялари, Озиқ-овқат саноати корхоналари, "Ўзулгуржисавдоинвест", "Ўзагромашсервис" уюшмалари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси таркибидаги, шунингдек, бошқа соҳада фаолият юритаётган 160 дан зиёд корхоналар қатнашаяпти.

Ярмаркалар давомида юртимиз саноат корхоналари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг имкониятларини кенг намойиш этиб, тақдимот маросимларини ўтказмоқда. Маҳаллий ва хорижий харидорлар, корхона ва компаниялар учун маҳсулотларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқаришни ташкил этишни истовчиларни зарур маълумотлар билан таъминлаш мақсадида эса ташкилотчилар томонидан ҳар йили "Ўзбекистон саноат маҳсулотлари" каталоги чоп қилинаяпти. Ушбу каталогда республикамизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳамда хизматлар, шунингдек, импорт қилинадиган, ўзлаштириш учун таклиф этилаётган маҳсулотлар ўрин олган. Хусусан, 2013/2014 йил каталогида 10 мингта корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган 30 мингта маҳсулот ҳақида маълумот берилган.

Шу билан бирга, каталогнинг электрон шакли билан танишиш ёки унга ўз корхонаси ҳақида маълумот жойлаштиришни хоҳловчиларга Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекциясининг www.cooper.uz расмий сайти "Савдо майдончаси" ("Торговая плошадка") бўлимига кириш тавсия этилади.

Буларнинг бари, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш баробарида, жорий йилда маҳсулот етказиб бериш ва экспорт қилиш учун шартномалар тузиш, янги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича келишувларга эришилиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Зеро, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожи кўп жиҳатдан ана шундай ҳамкорликка бевосита боғлиқ.

Тармоқ саноат ярмаркалари жорий йилнинг 8 майига қадар давом этади.

Тармоқ саноат ярмаркаларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳасида қимматли қоғозлар эмиссияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш ҳисобига қимматли қоғозлар бўйича битимлар тузиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштиришга, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб боришга доир талабларни оширишга, шу жумладан, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарликни аниқлаштиришга қаратилган нормалар ҳамда янги молиявий воситалар ўз аксини топган.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг жиноий жазоларни ўташ тартибини либераллаштиришни назарда тутувчи айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар мамлакатимизда иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда киритилаётган тузатишларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар ушбу қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва масъул қўмиталарга кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатлар тайёрлашни топширган ҳолда уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу мажлис Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши — илм-фан ва технологиялар соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди АҚШ давлат департаменти масъул ходими Жонатан Марголис. — Айтиш жоизки, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳалар ҳамда хавфсизлик ва инновациялар каби қатор тармоқларни тараққий эттиришга эришиш мумкин. Мажлисда икки томоннинг илмий-техникавий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларини муҳокама қилаяпмиз.

Ишчи гуруҳлар мажлисларида Ўзбекистон ва АҚШнинг етакчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва молиявий салоҳиятини таҳлил этиш, икки мамлакатнинг илм-фан ва технология борасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Олимларимиз ҳамкорликда қатор илмий тадқиқотлар олиб бормоқда, — дейди Миллий илмий жамғарманинг Европа-Евроосиё бошқармаси раҳбари Кармен Хабер (АҚШ). — Келгусида бу ҳамкорликни янада фаоллаштириш мақсадида мазкур жараёнга икки мамлакатнинг етакчи олим ва мутахассислари билан бир қаторда иқтидорли ёш талабаларни ҳам жалб этиш ниятидамиз. Зотан, Ўзбекистон иқтидорларга, хусусан, илм-фан билан машғул ёш мутахассисларга бой мамлакат.

Анжуман давомида қишлоқ хўжалиги, муқобил энергетика ва тиббиёт каби йўналишларда ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатларимиз ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилади.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

*Депутатлар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни ҳақида журналистларга сўзлаб беришди. Қайд этилганидек, ушбу соҳадаги миллий ва халқаро тажриба депутатлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилганидан сўнг масъул қўмиталар аъзолари томонидан марказда ва жойларда ушбу ҳуқуқий ҳужжат муҳокамасига бағишланган 30 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Икки минг нафардан ортиқ мутахассислар, экспертлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирларда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар билдирилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, шунингдек, барча сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тегишли хулосалари инобатга олинди.*

# ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

*"Халқ сўзи" мухбири матбуот анжуманидан сўнг Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Адҳам ШОДМОНОВ билан суҳбатлашди.*

*— Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг долзарблиги ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Бугун мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланиб, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони изчил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда уларнинг эркин фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратилиб, давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Чунки нодавлат нотижорат ташкилотлари жуда кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишни ўз зиммасига олмоқда. Давлатимиз раҳбари 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланганлигини алоҳида таъкидлаб, уларнинг янада ривожланишига эришиш, амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, қолаверса уларнинг ролини кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш заруратини илгари сурганди. Ушбу қонун аҳоли фаровонлигини оширишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, давлат ҳамда кенг аҳоли эҳтиёжларини ифодалайдиган турли жамоат ташкилотлари манфаатларига жавоб берадиган механизмларни яратишни кўзда тутади.

Жамият тафаккури ўсган бир шароитда ягона қонун ҳужжати амалий мулоқотнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қиладиган яхлит муносабатлар тизимини мустаҳкамлайди. У мавжуд бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқот олиб бориш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш, мамлакат аҳолиси турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигида муҳим бўғинга айланади.

*— Ижтимоий шерикликнинг айрим жиҳатлари нафақат мамлакатимиз, балки ривожланган демократик давлатларнинг қатор қонун ҳужжатларида ҳам учрайди. Қонун лойиҳасининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?*

— Мамлакатимизда ижтимоий шериклик бўйича етарлича тажриба тўпланган ва бундай ҳамкорликнинг турли механизмлари амал қилади. Улар у ёки бу соҳа қонунчилигида, масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва бошқа шу сингари жабҳалар ҳуқуқий асосларида ўз ифодасини топган. Бу механизмлар халқимизнинг менталитетига мос келади, зотан, бизда азалдан барча муаммолар ҳамжиҳатликда ҳал қилинган.

Мамлакатимизнинг 30 га яқин қонуни ҳамда юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида у ёки бу муносабатлар тартибга солинган.

Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш учун ижтимоий шериклик шакл, принцип ва механизмларининг аниқ тизимини кўзда тутувчи ягона қонун ҳужжатига зарурат туғилган эди. Бу илғор халқаро тажриба ҳамда мавжуд ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб такомиллаштирилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон замонавий тенденциялар йўлидан илдам бормоқда. Чунончи, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Франция, Буюк Британия, Канада ва бошқа бир қатор ривожланган демократик давлатларда ҳукуматлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмалари ўртасида ижтимоий шериклик битимларини тузиш амалиёти қўлланила бошланди. Уларда, қоида тариқасида, ҳамкорлик принциплари, шакл ва механизмлари, молиявий жиҳатлари белгилаб қўйилган. Аммо бундай битимлар ҳукуматлар фаолият муддати доирасидагина амал қилиб, улар барқарор эмас эди. Ушбу мамлакатларда сиёсатчилар, аввало, жамоатчилик ижтимоий шериклик масалаларини қонун билан тартибга солиш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу билан сиёсий вазият ва ҳукуматлар алмашинувига қарамасдан, ижтимоий шериклик муносабатлари барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

*— Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз?*

— "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик тушунчаси давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдаги ҳамкорлиги эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ёш авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳалари кўзда тутилмоқда.

Ҳуқуқий ҳужжат асосида давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, уларнинг социал ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокининг шакл ва усуллари аниқлаштирилмоқда.

Ижтимоий шерикликнинг жойларда ривожланиши долзарб аҳамиятга эга. Шу боис қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондлари ҳамда жамоат комиссиялари тузилади. Бунда жамоат комиссиялари фондларнинг васийлик кенгашлари вазифасини бажаради. Жамоат комиссиялари фаолиятида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти принциплари асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, ўтган давр мобайнида Парламент комиссияси фаолияти билан ўзини яққол намоён қилди. У жамоат комиссияларининг намунавий регламентларини тасдиқлайди. Жамоат комиссиялари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан ижтимоий ва умумаҳамиятга молик бўлган дастурлар ҳамда лойиҳаларни рўёбга чиқаришдаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга кўмаклашади, уларнинг таклифларини чуқур ўрганиш асосида ижтимоий шерикликнинг устувор йўналишларини аниқлайди, тавсиялар ишлаб чиқади, жамоат фондлари маблағларининг самарали тақсимланишини ташкил этади, шунингдек, уларнинг белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан мониторингни амалга оширади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишдаги ролини кучайтириш бўйича бажарилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини оширади, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш жараёнида аҳоли кенг қатлами манфаатлари ҳар томонлама инобатга олинишини таъминлайди.

**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда пойтахтимизда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 184 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар спорт билан шуғулланмоқда. Улардан 78 минг 512 нафари қизлардир.

Яккасарой туманидаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган тантанали тадбирда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасида ёшлар соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етаётгани, иродаси тобланиб, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгараётгани таъкидланди. Маросимда спортчи қизларга миллий ва замонавий услубда тайёрланган спорт либослари тантанали равишда топширилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА — КЎРКАМ ЛИБОСЛАР

Тошкент шаҳри бўйича бу йил жами 11 минг 300 нафар ўқувчи-қизга спорт кийимларини совға сифатида тақдим этиш кўзда тутилган.

### НАВОИЙ

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби айни кунларда Навоий вилоятида ҳам умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга спорт либосларини тантанали топшириш маросимлари ўтказилмоқда.

Навоий шаҳридаги "Ёшлар" спорт мажмуасида ташкил этилган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Шу куни 1681 нафар қизга кўркам спорт кийимлари совға сифатида тақдим қилинди.

— Спортчи қизларга кўрсатилаётган бундай меҳр ва эътибор, шубҳасиз, уларни янги марралар сари руҳлантиради, азиз Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ундайди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилояти минтақавий филиали директори Улуғбек Жабборов. — Умуман, вилоятимиз бўйича 9080 нафар қизга спорт либослари совға сифатида топширилади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Пойтахтимизда "Малайзияда таълим — 2014" халқаро кўргазмаси очилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Малайзиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Education Voyage" агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Малайзиянинг олий таълим муассасалари, дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар қатнашмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов, Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссин ва бошқалар Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари фан-таълим йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани ва бу халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир.

Бугун ҳар бир йигит-қиз нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз билимини янада мустаҳкамлаш, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиш, касб-ҳунар эгаллаш имконига эга. "Малайзияда таълим — 2014" халқаро кўргазмаси ёшларимизга бу борада кенг имкониятлар яратади.

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорлик бошқа кўплаб соҳалар қатори изчил ривожланиб бораётгани қувонарлидир, — деди Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссин. — Мамлакатларимиз университетлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилаяпмиз. Малайзия техникавий ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатларимиз турли вазирлик ва идоралари ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бугунги кўргазма фан-таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, талабалар ва мутахассислар алмашинувини фаоллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда Малайзиянинг қатор таълим муассасалари, жумладан, Перлис ва Султон Идрис университетлари, Альянс тиббиёт коллежи билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кўргазмада Ўзбекистон ва Малайзиянинг ўндан ортиқ олий ўқув муассасалари ўз хизматлари билан иштирок этмоқда.

— Ўзбекистонда таълим олиш учун яратилган имкониятлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Teknikal Malaysia Melaka университетининг Ахборот ва коммуникация технологиялари факультети декани, профессор Моҳд Канапи Абд Ғани. — Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқлиги ва қизиқувчанлиги мени ҳайратлантирди. Техника йўналишига ихтисослаштирилган таълим муассасамизда электроника ва компьютер муҳандислиги, электротехника, машинасозлик, машинасозлик технологияси, технология соҳасида маркетинг каби факультетлар иш юритмоқда.

Кўргазма иштирокчилари Ўзбекистон ва Малайзия таълим тизимларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиликлар билан танишиш имконига эга бўлди. Ушбу кўргазма юртимиз таълим муассасаларининг Малайзия билим юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга, турли йўналишларда малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Тадбир доирасида Малайзия рассомларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда малайзиялик мусаввирларнинг қатор фото ва бадиий асарлари намойиш этилмоқда.

Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссин шу куни Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

# Банк хизматларининг такомиллаштирилиши

**юртимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади**

*Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда жорий йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда ишбилармонликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариши билан аҳамиятлидир.*

## АНЖУМАН

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари раҳбарлари, тадбиркорлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирокида ташкил этилган анжуман ушбу ҳужжатлар талаблари ижросига бағишланди.

Таъкидландики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ишчанлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, бизнес юритишнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган баҳолаш мезонларини жорий этишдек устувор ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон банк тизими ҳам юқори даражадаги қулай инвестицион иқлимни юзага келтириш, кредит ташкилотлари шаффофлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти шартларини соддалаштириш, янги иш ўринлари яратиш орқали фаол иштирок этаётир. Яъни малакали мутахассислар маҳаллий ҳокимият ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда жойларда тадбиркорлар ҳамда кенг жамоатчилик билан туркум учрашувлар ташкил этиб, банк тизимидаги энг сўнгги эркинлаштириш чораларини батафсил шарҳлаб бераяпти.

Ана шундай чоралардан бири — кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг янги тартиби бўлиб, унда бизнес тузилмаларни қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш вазифалари белгилаб қўйилган. Мазкур тартибга мувофиқ, кредитлаш объектлари — микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари сафига оилавий корхона ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳам қўшилди.

Шунингдек, кредит ажратиш ва уни қоплаш муддатлари ўзгарди. Масалан, илгари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредитлар узайтириш ҳуқуқисиз беш йил муддатга берилган бўлса, эндиликда унинг муддати Банк кенгаши томонидан белгиланадиган бўлди.

Бундан ташқари, аввал айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар бир йилга тақдим этилар эди. Ҳозирги кунга келиб эса, бу муддат бир ярим йилга чўзилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг айланма маблағини тўлдиришга берилган сармояларни қоплаш муддати ҳам 24 ойгача узайтирилди.

Кредитни расмийлаштириш жараёни максимал даражада соддалаштирилиб, оптималлаштирилгани ҳам тадбиркорлар учун айни муддаодир. Гап шундаки, бундан буён қарз олувчилар банкка кредит аризасида банк ҳисоб рақамидаги пул маблағлари оқимини кўрсатган ҳолда тузилган бизнес-режаларини нафақат қоғозда, балки электрон шаклда топширишлари мумкин. Тақдим этиладиган ҳужжатлар тўпламига эса сўнгги ҳисобот давридаги бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот, қарздорликлар бўйича таққослама акт, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар киритилди.

Албатта, бугунги жадал тараққиёт ҳар бир соҳага замонавий ва тезкор ахборот хизматларини татбиқ этишни талаб қилади. Шу боис тижорат банклари аҳоли ва мижозлар билан ҳамкорликнинг электрон шаклларини жорий этишга интилмоқда. Яқин орада тадбиркорлар назорат-касса ёки тўлов терминаллари, шунингдек, бир йилгача муддатга олинадиган миллий валютадаги кредит учун ариза ва бошқа ҳужжатларни электрон тарзда "бир дарча" тамойили асосида топшириш имкониятига эга бўладилар.

Қисқача айтганда, тизимдаги бу каби ўзгариш ва янгиланишлар молия муассасаларининг мижозлар билан ишлаш самарадорлигини ошириши баробарида, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Дилшод ЖУМАБОЕВ.**

## Қисқа сатрларда

● Самарқандда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

**● Пойтахтимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, миллий медиа соҳаси равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар таклиф этилди.**

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда аҳолини ижтимоий муҳим ва бошқа маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, қайта ишлаш ҳисобига озиқ-овқат захирасини кўпайтириш ҳамда истеъмол бозори хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**● "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида 3-6 ёшли қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор қаратиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида "Зумрадойлар давраси" тўгарагини ташкил этиш белгиланган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 68-мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган тадбир мазкур тўгарак фаолиятига бағишланди.**

● Термиз шаҳридаги "Сурхон" спорт мажмуида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда миллионлар ўйини — футбол учун муносиб ўринбосарларни етказиб бераётган "Футболимиз келажаги" республика турнири ҳақида кенгроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон футбол федерацияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда уюштириб келинаётган ушбу мусобақада иштирок этаётган маҳаллалар ва болалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2008 йилда турнир қуйи босқичлари 8159 та маҳаллада ўтказилган бўлса, 2013 йили 8539 та фуқаролар йиғинида уюштирилди ҳамда унда миллион нафардан ортиқ болалар қатнашди. Турнирнинг финал босқичи ўйинлари Тошкент шаҳридаги "Истиқлол" ва "Жар" стадионларида минглаб ишқибозлар гувоҳлигида ўтказилиши ҳам унинг нуфузидан дарак бериб турибди.

Асрлар синовидан ўтган миллий курашимизни ривожлантириш, унинг мавқеини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш ва халқаро турнирлар ўтказиш ҳам анъанага айланди. Фонд томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика мусобақалари ушбу мақсадга хизмат қилаётир. Мазкур мусобақалар боис ёшлар ўртасида миллий курашга бўлган қизиқиш тобора ошиб бораётгани, муҳими, катта спорт учун муносиб ворислар етишиб чиқаётгани диққатга сазовордир.

— Болаларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишида миллий спорт ўйинлари алоҳида ўрин тутади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси А. Зоҳидов. — Шундан келиб чиқиб, истиқлол йилларида юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида янги спорт иншоотларини қуриш билан бирга, миллий спорт ўйинлари, хусусан, курашни ривожлантириш устувор вазифага айланган. "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика мусобақаси бу борада алоҳида ўринга эга. Ўтган йили ушбу мусобақанинг қуйи босқичларида 8299 та маҳаллада ташкил этилиб, уларда 145 минггдан зиёд ёшлар, шу жумладан, 44 мингга яқин қизлар қатнашишди.

Фонд ташаббуси билан анъанавий ўтказилаётган "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақаси ҳам оилалар бирдамлигини таъминлаш, уларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ёшларни спортга йўналтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Замонавий спорт иншоотлари, стадион ва мажмуаларда ташкил этилаётган мусобақаларда қатнашишни истаётган оилалар йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Ўтган йили мусобақанинг маҳаллалараро босқичи 7409 та фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

— Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом бола тарбиясида маҳалла ҳамда ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлигини алоҳида эътироф этгани бежиз эмас, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г. Алимова. — Зеро, юртимизда азал-азалдан бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она бўлиб келган. Катта ўзгет тажрибасига эга бобо ва бувиларимиз, ота-оналаримиз ўз панду насиҳатлари билан бола тарбиясига муносиб ҳисса қўшганлар. Истиқлол йилларида ушбу умуммиллий анъанамиз янада кенг қулоч ёзди. Бугун маҳалла ёшларимизнинг ҳақиқий тарбия ўчоғи сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этмоқда.

Ўтган йили оила институтини янада мустаҳкамлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга қаратилган 75 минггдан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Айни чоғда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва таълим муассасаси раҳбарлари билан биргаликда жойларда 474 минггдан зиёд ота-оналар билан тушунтириш ишлари уюштирилди. Шу билан бирга, ҳарбий хизматдан қайтган ёшларни кутиб олиш ҳамда хизматга тантанали кузатиш бўйича 3 минггдан зиёд тадбирлар ташкил этилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан берилган маълумотларга қараганда, банд бўлмаган, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ёшлар ва хотин-қизларни аниқлаш, Бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда 17 минггдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектлари очилиб, 20 минггдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Жорий йилда ҳам "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган авлодни вояга етказиш йўналишидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, соғлом бола тарбиясида маҳалла, хусусан, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари, жамоатчилик комиссиялари масъулиятини янада ошириш, ёшлар, айниқса, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳлар ҳамда оилавий низоларнинг олдини олиш, ёшларни тўгаракларга жалб этиш, "Ота-оналар университетлари" фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда.

"Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали ўқувчилар давоматини ва бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича профилактика инспектори билан маҳалланинг ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

# Баркамол авлод тарбиясида маҳалла институтининг ўрни

Шунингдек, жорий йилда мактаблар, коллежлар, лицейлар, маҳалла гузарларидаги спорт заллари, майдончалари ва иншоотларида оилавий спорт ва ижодий тўгаракларни ташкил этиш учун 400 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган бўлиб, бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллаларда замонавий болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуриш бўйича Фонд ҳисобидан 2 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, йўналишдаги юмушлар ҳам бошлаб юборилди.

Шуларга мос равишда жорий йилнинг биринчи чорагида ёшларда юксак маънавий фазилатлар, шу жумладан, катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида маҳаллаларда 2 мингга яқин семинар-тренинглар, 600 тага яқин маҳаллаларда етук олим, психолог, ёзувчи, шоир, дин арбоблари иштирокида суҳбатлар ўтказилди. Мусиқа мактаблари мавжуд маҳаллаларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 912 та ижодий жамоа, хусусан, 284 та ашула ва рақс, 149 та мусиқий вокал жамоаси ташкил этилиб, 5061 нафар иқтидорли ўқувчилар жалб қилинди.

Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Урганч шаҳрида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Япония давлатининг Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этиладиган "Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли" мавзуидаги халқаро давра суҳбатида шу масалалар атрофлича муҳокама қилиниши режалаштирилган. Унда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, каби давлатларнинг эксперт ва олимлари иштирок этиши кўзда тутилган.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британиянинг "Royal Bank of Scotland" банки жорий йилнинг биринчи чорагида 1,4 миллиард евро миқдорида даромад олди.*

## Даромади кутилганидан кўп

Бу аввалроқ экспертлар тахмин қилганидан сезиларли даражада кўп. Гап шундаки, таҳлилчилар январь — март ойларида молия муассасаси, нари борса, 230 миллион евро маблағ ишлаб топади, дея фикр билдиришганди.

"Евроньюс" телеканалида айтилишича, "Royal Bank of Scotland" фойдасиз активлардан воз кечиш орқали ижобий натижага эришган.

Мазкур молия муассасасининг 81 фоиз акциялари давлатга тегишли. Мамлакат ҳукумати 2008 йилда уни оғир иқтисодий таназзулдан олиб чиқиб, қимматли қоғозларига эгалик қилган эди.

## Текширув ойдинлик киритади

*Ҳиндистон ғарбидаги Маҳараштра штатида йўловчи поездининг локомотиви ва тўртта вагони пўлат издан чиқиб кетди.*



Оқибатда 19 киши ҳаётдан кўз юмган, 30 нафар йўловчи эса тан жароҳати олган. Дастлабки маълумотларга кўра, поезд ҳаракатлантирувчи таркибининг техник жиҳатдан носоз бўлгани ва бошқарувдаги хатолик ушбу фожиани келтириб чиқарган. Ҳозир воқеа жойида текширув олиб борилаяпти. Шундан сўнг ҳалокат юзасидан расмий хулоса чиқарилади.

Ҳиндистон алоқа йўллари вазирлиги курбон бўлганларнинг оила аъзоларига 200 минг рупийдан товон пули берилишини билдирди.

## Таклифига кўнмади

*"AstraZeneca" (Англия/Швеция) фармацевтика компанияси асосий рақобатчиси ҳисобланган "Pfizer" (АҚШ) компаниясига ўз акцияларини сотишдан бош тортди.*



Харидор унинг ҳар битта қимматли қоғозини 50 фунт стерлинг миқдорида баҳолаб, олди-сотди шартномаси имзоланиши учун 63 миллиард фунт-стерлингдан воз кечишга тайёрлигини билдирган эди. "AstraZeneca" маъмурияти эса "Pfizer"нинг таклифи компаниянинг ҳақиқий нархидан кам эканлигини таъкидлаб, бунга розилик бермаган.

Ушбу компанияларнинг ўзаро музокарасини кўпчилик эксперт ва мутахассислар катта қизиқиш билан кузатиб бораяпти. Чунки томонлар келишувга эришса, бу фармацевтика соҳасидаги энг йирик битим сифатида қайд этилади.

## Таъсири катта ҳудудда сезилди

*Япониянинг Жануби-шарқида 6 балли зилзила рўй берди.*



12 киши жароҳатланган, қурбонлар йўқ. Ер силкиниши таъсири мамлакатнинг 26 та префектурасида сезилган. Айниқса, Токиода унинг кучи кўпроқ билинган. Хусусан, кўплаб тураржой бинолларидаги мебеллар ва уй жиҳозларига зарар етган. Шаҳар маъмурияти фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жамоат транспорти ҳаракатини вақтинча тўхтатиб, табиий газ таъминотини узиб қўйган. Бундан ташқари, зилзила туфайли Ханэда ва Нарита халқаро аэропортларида айрим парвозлар белгиланган вақтидан кечроқ амалга оширилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


ЭЪЛОНЛАР

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 19 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски Қовунчи» ҚФЙ, Кирда кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 2,0 гектар, қурилиш майдони 3848,39 кв.м. бўлган ғишт ишлаб чиқариш заводи бино-иншоотлари ва ускуналари.

***Бошланғич баҳоси — 2 100 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Анаркулов даҳасида жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 242 670 800 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 10 июнь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Сирдарё вилояти СИБ томонидан ЖИБ Учқўприк тумани судининг 2013 йил 23 октябрдаги 1-147/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Кўконмаш плюс» шуъба хўжалигига тегишли, Сирдарё тумани, «Синдаробод» СИУ ҳудудида жойлашган, 3 гектар майдондан иборат иссиқхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 387 599 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 12-1113/15052-сонли, 2011 йил 30 декабрдаги 21-1102/13424-сонли, 2011 йил 19 сентябрдаги 12-01103/7993-сонли, 2012 йил 9 январдаги 12-1102/12828-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Н. Маҳмудов кўчаси, 66-уйда жойлашган, умумий майдони 1063,84 кв.м.дан иборат мавжуд бино ва бошқа иншоот арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 564 205 959 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 10 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 6 июнь куни соат 18.00.

**3.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, майдони 523,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги меҳмонхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 493 416 440 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Мамадалиев кўчасида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0002-литердаги савдо маркази ва майдони 192,0 кв.м.дан иборат 0003-литердаги савдо маркази арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 260 076 267 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Мамадалиев кўчасида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги савдо маркази, майдони 375,0 кв.м.дан иборат 0004-литердаги ертўла ва майдони 82,20 кв.м.дан иборат 0005-литердаги новвойхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 290 707 795 сўм.***

**6.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/77286-сонли, 2011 йил 21 февралдаги 12-1103/8-сонли, 2012 йил 7 майдаги 12-1203/7011 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Баланд қанотлар» МЧЖга тегишли, Янгиер шаҳри, Маърифат маҳалласи, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 1263,73 кв.м., фойдаланиш майдони 967,84 кв.м. бўлган кинотеатр биноси ва иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 228 139 221 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 май куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 23 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов хужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 27 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 23 июндаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

**1.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 2 196 831 600 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 2 246 370 300 сўм.***

**II.** Миробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2011 йил 25 августдаги 406/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 54-хонадонда жойлашган, умумий майдони 28,97 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 50 456 438 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 72-хонадонда жойлашган, умумий майдони 38,57 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 65 666 184 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 61-хонадонда жойлашган, умумий майдони 62,90 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 121 044 277 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 46-хонадонда жойлашган, умумий майдони 28,87 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 49 580 541 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1 даҳаси, 50-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,50 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 116 159 763 сўм.***

**III.** Миробод тумани СИБ томонидан:

**1.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мичурин 4-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м. бўлган 1 қаватли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 174 697 828 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 222 090 928 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 40 346 500 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

**БИЛДИРИШ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 24 апрелдаги 79-сонида эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мевазор кўчаси, 14-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Олмазор тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 23 апрелдаги хабарномасига асосан тўхтатилди.

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

# Ғалаба иштиёқи

ёшларни "Баркамол авлод" спорт ўйинларига пухта ҳозирлик кўришга ундамоқда

*Бу йил Наманганда бўлиб ўтадиган "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг республика босқичида Тошкент шаҳри шарафини 83 нафар спортчи ҳимоя қилади. Ўз истеъдоди ва маҳорати билан бошқа тенгдошларини ортда қолдирган бу ўғил-қизлар спортнинг ўн тўрт тури бўйича совринли ўринлар учун кураш олиб боришади.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



— Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари ёш авлод ўртасида спортнинг янада оммалашувига хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси Комилжон Мусаев. — Буни пойтахтимиз миқёсида ўтказилган саралаш беллашувларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 62 минг 184 нафар ўқувчи иштирок этгани ҳам кўрсатиб турибди. Қолаверса, "Баркамол авлод — 2014" дастуридан оғир атлетика, бокс, дзюдо, таэквондо WTF, эркин ва юнон-рум кураши каби ёзги Олимпиада ўйинларига киритилган спорт турларининг жой олгани ушбу мусобақага бўлган қизиқишни янада оширди.

Шаҳримиз номидан қатнашадиган ўғил-қизларимизнинг мазкур беллашувларга муносиб ҳозирлик кўришлари учун Республика олимпия захиралари коллежи, "Пахтакор" футбол клуби, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи спорт заллари ҳамда бошқа бир қатор спорт мажмуаларида зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Тайёргарлик жараёнлари малакали мураббий ва мутахассислар томонидан кузатиб борилмоқда.

— Мусобақага Республика олимпия захиралари коллежида тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди эркин кураш бўйича мураббий Қўлдош Асрақулов. — Ҳозир якуний босқичда иштирок этадиган тўрт нафар курашчини аниқлаб олганмиз. Улар мамлакат ва халқаро миқёсда юқори натижаларга эришиб келаётган умидли ёш полвонлар ҳисобланади. Масалан, шогирдларимиздан Ҳожиакбар Ўткиров, Сирожиддин Ҳасанов шу йил ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ҳамда Латвияда ташкил этилган халқаро турнирда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Уларнинг юқори натижаларга эришишига ишонамиз.

"Баркамол авлод — 2014" шахмат беллашувларида Тошкент ахборот технологиялари коллежи ва Тошкент давлат техника университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчилари Олег Артёменко ҳамда Елена Вербова пойтахт шарафини ҳимоя қилади. Улар айни кунларда тажрибали мураббий Ўткиржон Талабоев қўли остида машғулотларда иштирок этишмоқда.

Термиз шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг баскетбол беллашувларида Тошкент шаҳрининг ўсмирлар жамоаси олтин медалга сазовор бўлган эди. Бу йил ҳам улар ўз натижаларини такрорлашга қатъий аҳд қилишган. Шу боис тайёргарлик режа асосида олиб борилмоқда. Улар финал босқичида Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилоятлари вакиллари билан ўзаро баҳслашадилар. Пойтахтлик ёшлар Самарқандда ташкил этилган саралаш беллашувларида рақибларини мағлубиятга учратишган эди.

— Ушбу мусобақага юнон-рум кураши ҳам киритилгани айни муддао бўлди, — дейди Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Мирзабек Раҳматов. — Мазкур уч босқичли тизим Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида ўтказилиши ҳақида эшитгач, беллашувларда қатнашишни жуда-жуда истагандим. Орзуим рўёбга чиқишига оз фурсат қолди. Мақсадим — юнон-рум кураши бўйича "Баркамол авлод"нинг илк чемпионларидан бири бўлиш. Яхши тайёргарлик кўриб, албатта, ана шу натижага эришаман.

Наманганда ўтказиладиган нуфузли спорт анжуманида иштирок этадиган пойтахтлик ўғил-қизлар ўз олдиларига ана шундай улкан мақсадни қўйишган.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ШУКРОНА

*Минглаб ҳамюртларим Ватандан йироқда, ҳар лаҳзаси минг таҳликаю уқубатларга тўла уруш йилларида жанггоҳларда қон кечиб юрган кезларимиз бугунги дориламон кунларни, тинч ва осуда ҳаётни орзу қилган эдик.*

# Азиз Ватан эъзозидамиз

Шукрки, орзуимизга эришдик. Ўз ҳақимда гапирсам, истиқлолгача бўлган 69 йиллик ҳаётим бошқа бир давр бўлса, мана, 23 йилдирки, давлатимиз ва халқимиз эъзозида озодлик завқи билан иккинчи умримни яшаяпман. Юртбошимизнинг биз — уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори, иззат-икром ва чексиз ҳурмати ҳаётга бўлган ишонч ҳамда умидимизни мустаҳкамламоқда.

Бугунги озод ва обод Ватанни, мустақил ва эркин ҳаётни барпо этишда, озгина бўлсин, ҳиссамиз борлигидан, истиқлолга садоқатли баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларда маслакдош ва дуогўй бўлаётганимиздан фахрланамиз.

Бу йил 91 баҳорни қаршиладим. Умр йўлдошим Назокатхон билан 65 йилдан буён турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб келамиз. 7 ўғил ва 2 қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилдик. 40 невара, 39 эварамиз бор. Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, қалбимиздаги уруш жароҳатларига истиқлол неъматлари малҳам бўлган биз — нуронийлар ҳамиша халқимиз фаровон бўлишини истаймиз.

Давлатимиз томонидан бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун бўлиб, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга шукрона келтирамиз.

Шу кунларда эса янада мамнунмиз. Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони уруш фахрийлари доимо давлатимиз эътиборида эканлигини яна бир бор намоён қилди. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Дуога қўл очиб, азиз мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин, унинг жамолига ҳеч қачон кўз тегмасин, деймиз.

**Йўлдош АШИРМАТОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
Жиззах шаҳри

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Аукцион савдоларини ўтказиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни танлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан (2006 йил 30 сентябрдаги, рўйхат рақами 1625)**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти**

**кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларга (кейинги ўринларда — савдо ташкилотчиси) 2014 йил 17-19 апрель кунлари ўтказилган танловда мазкур Низомнинг 30-бандига кўра қатнаша олмаган Сирдарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари учун кўчмас мулк ҳамда автомототранспорт воситаларини аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни, Жиззах вилояти учун автомототранспорт воситаларини аукцион савдолари орқали сотиш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни танлаш тўғрисида**

**танлов эълон қилади.**

Танлов 2014 йил 22 май куни соат 10.00 да Суд департаментининг марказий аппарати биносида ўтказилади (Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод 3-тор кўчаси, 2-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (8-371) 237-61-84).

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчилари комиссия ишчи органига ариза юборади. Комиссия ишчи органи вазифаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси Солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўлими зиммасига юклатилади.

Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар танлов ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кун давомида қабул қилинади.

***Аризаларни қабул қилишнинг охирги куни — 2014 йил 17 май.***

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

* аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар (кадастр ҳужжати ёки ижара шартномаси нусхаси) ва малакали мутахассис (аукциончи)лар мавжудлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар;
* аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдори (1 фоиздан ошмаслиги лозим);
* савдо ташкилотчисининг молиявий аҳволи (банкдан), шу жумладан, солиқ ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;
* савдо ташкилотчисининг расмий веб-сайтига эга бўлиши ҳамда унда фуқаролар томонидан аукцион савдоларида қатнашиш учун уларнинг аризаларини масофадан қабул қилиш механизми мавжудлиги тўғрисида маълумот.

Талабгорлар мазкур баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар автомототранспорт воситаларини сақлаш учун жой ва мазкур жойларнинг сони тўғрисида маълумот ҳамда кадастр ҳужжати ёки ижара шартномаси нусхасини тақдим этиши мумкин.

Риэлторлик ташкилотлари риэлторлик фаолиятни амалга ошириш учун лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси, ихтисослаштирилган савдо ташкилоти учун — низом нусхаси (автомототранспорт воситаларини аукцион савдоларида сотиш ваколати кўрсатилган бўлиши керак) тақдим этадилар.

**Комиссия аъзолари талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги мезонлар бўйича уларни баҳолайди:**

а) аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар ва малакали мутахассис (аукциончи)лар мавжудлиги;
б) аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдори пастлиги;
в) қониқарли молиявий аҳволи;
г) ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
д) автомототранспорт воситаларини сақлаш учун шароити ва жойи мавжудлиги;
з) расмий веб-сайтдаги фуқаролар томонидан аукцион савдоларида қатнашиш учун уларнинг аризаларини масофадан қабул қилиш механизми сифати ва қулайлиги.

Ҳужжатлар шахсан, курьер ёки почта хизмати орқали муҳрланган конвертда юборилади.

Танлов натижалари бўйича баённома имзоланганидан сўнг ўн беш кунлик муддат ичида танлов ғолиблари ва Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ўртасида муддатини узайтириш ҳуқуқи билан бир йил муддатга ижро ҳужжатлари бўйича кўчмас мулк ёхуд автомототранспорт воситаларини аукцион савдоларида сотиш тўғрисида шартнома тузилади.

**Қўшимча маълумотларни www.suddep.uz электрон почтаси ва (8-371) 237-61-84 телефони орқали олиш мумкин.**

711R/374



**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси**

чақалоқларда патологик ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра,

— **№ 1 лот** «Пренатал скрининг текширувлари, туғма гипотиреоз, фенилкетонурия ва муковисцидозни эрта аниқлаш учун неонатал скрининг текширувлари, шунингдек, селектив скрининг (тандеммасс-спектрометрия) текширувлари ўтказиш учун диагностик тўпламлар ва сарфлаш материаллари бўйича — **«PRIBORI OY»» (Финляндия) компанияси**.

— **№ 2 лот** «Туғма фенилкетонурия ташхисли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиғи бўйича» — **«EastService Logistic GmbH» (Германия) компанияси**

**ғолиб бўлганлигини маълум қилади.**

708R/386



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино-иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган икки қаватли ертўлали маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 694 765 614,61 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 26 май куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 23 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

710R/1453

Хизматлар лицензияланган.






**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази**

**ўз эҳтиёжи учун техник топшириқ асосида қуйидаги мебель анжомлари ва товар-моддий бойликларни харид қилиш ҳамда ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади:**

- хона учун замонавий мебель анжомлари (шкаф, тумба, ёзув столи, кресло, юмшоқ мебель тўплами, ўқув макетлари учун витрина шкафи, кутубхона жиҳозлари ва ҳ. к.);
- ўқув анжомлари (интерактив доска, видеопроектор ва ҳ. к.);
- деразалар учун горизонтал, вертикал жалюзалар;
- электр техника воситалари (плазма телевизори ва бошқалар);
- ўқув-машқ биносидаги иммитация хонасига айланма «экскалатор» макетини ўрнатиш.

Марказ ҳудудида жойлашган ошхона ижарага берилади.

**Танлов учун ваколатли қатнашувчилар ўз таклифларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй.**

**Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 257-74-99, 258-63-22, 258-84-99.**

Барча таклиф Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 20 кун ичида қабул қилинади.

714R/373


Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик суди судьяси Абдумўмин Абдуллаевга отаси
**Абдуаҳат АБДУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири Олим Сафоевга волидаи муҳтарамаси
**МАЛИКА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Саноат иқтисодиёти кафедраси доценти Назиржон Ражабовга отаси
**Раззоқ**
**РАЖАБОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Дилором Бобожоновага онаси
**ШУКУРЖОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 591 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5